

ДИҚҚАТ! ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ТЕРМИЗ ТУМАНИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛАДИ



“Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали “Термизтумангаз” газ таъминоти бўлимининг жорий йил 24 ноябрдаги хатига қўра Термиз ГТС-1 ёнидан тортилган 325 мм янги қувурда улаш ишлари олиб борилиши туфайли жорий йил 25 ноябрь куни соат 10-00 дан 16-00 га Термиз туманидаги аҳоли хонадонлари ва улгуржи газ истеъмолчилари учун табиий газ таъминоти вақтинча тўхтатилади.

Таъмирлаш ишлари тугатилгандан сўнг, табиий газ таъминоти қайта тикланади.

“Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали “Термизтумангаз” газ таъминоти бўлими таъмирлаш ишлари туфайли етказилган ноқулайликлар учун аҳолимиз ва газ истеъмолчиларидан узр сўрайди.